



Янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон (1897-1938) адабий меросини тўплаш ва нашр этиш борасида сўнгги ўн йилликда кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бирок ханузгача шоир ижодий меросининг хажми тўласича аниклангани йўқ. Бунинг сабаби, биринчидан, катагонга учраган улуг адиб асарлари кўлэзма нусхаларининг Шўро идоралари томонидан йўқ этиб ташланганида; иккинчидан, Чўлпоннинг тириклик чогида вақтли матбуотда эълон қилинган катта-кичик шеър, мақола, хикоя, фелъетон ёки хабарларининг аник ҳисоби йўқлигида; учинчидан, мазкур газета-журналларнинг ҳам бизгача тўлик этиб келмаганида, деб ўйлаймиз. Шунинг учун ҳам 1910-1930 йиллар матбуотини синчиклаб ўрганишга аҳд қилган тадқиқотчиларда мазкур адибнинг ҳозирги замон илм аҳлига, адабиёт муҳибларига номаълум бўлиб келаётган асарларини топишларига имконият мавжуд.

Яқинда кўконлик нуктадон олим, ҳаётини илм-фан, маданиятимиз ривожига бағишлаган камтарин инсон, устоз Солижон Йўлдошев домла бизга 1925-1931 йилларда Тошкентда чоп этилган “Ер юзи” журналининг 20 дан ортиқ сонлари жамланган мажмуани кўрсатди. Мазкур журнал таҳламини диққат билан кўздан кечиришимиз натижасида маълум бўлдики, у “Кизил Ўзбекистон газетасининг нашри сифатида босилиб турган ва ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий, оммабоп йўналишда бўлган экан. У икки ҳафтада баъзан бир ойда бир марта чоп этиб турилган. “Ер юзи”да 1920 йиллар ўзбек адабиётининг кўплаб таникли намояндалари Ойбек Элбек, Уйгун, Комил Алиев, Абдулла Авлоний, Курбон Берегин Маннон Ромиз ва бошқалар ўз шеър, хикоя, мақола ва таржималарини эълон қилганлар.

Чўлпон ҳам журнал билан унинг дастлабки сони (1925 й., 7 ноябр)дан бошлаб ҳамкорлик қилган. Бу сонда унинг “Бу нима нарса?” шеъри берилган. Кейинги сонларда эса “Сув”, “Бу ернинг киши”, “Қайтиш”, “Йўлчи” каби манзумалари, “Яна уйланаман”, “Маскавдаги драмстудиямиз”, “Мейерхулд театри”, “Турсуной сахнада” мақолалари чоп этилган. Аммо журналнинг 1926 йил 6-сонидан босилган бир манзумани шоир асарларининг тўпламларида учратмадик. Унинг номи эса ёш адабиётшунос Н. Йўлдошев томонидан тайёрланган “Чўлпон ҳаёти ва ижоди библиографияси”да (Тошкент, 1992) ҳам мавжуд эмас. 33 байт (66 мисра)дан иборат бу каттагина шеърнинг номи журналда “Ўзбекистон Марказ Ижроия кўмитасининг Раиси ўрток Охунбобо ўғлига Андижон шаҳри, Олайлик даха, Тожик маҳалла фуқароси мулло Фалонийдан аризанома ” шаклида ёзилган. “Аризанома” маснавий шаклида бўлиб, охирида берилган маълумотга кўра, у 1925 йилнинг 8 октябрида Андижон шаҳрида ёзилган. Шеърга “Каландар” имзоси қўйилган. Маълумки, шу таҳаллус билан Чўлпоннинг ўнлаб асарлари эълон этилган.

Шеърнинг мазмунига караганда, у “Янги Кавказ” газетасида Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бири бўлган Йўлдош Охунбобоев шаънига айтилган бемаъни гапларга жавоб тариқасида яратилганга ўхшайди. Афсуски, биз “Янги Кавказ” газетасининг қачон, қаерда ва ким томонидан чоп этилганини ҳозирча аниқлай олмадик. Шунинг учун унда оксоқолимиз хақида нималар ёзилганидан хабардор эмасмиз.

“Аризанома” - XX асрнинг 20-йилларидаги сиёсий курашлар, гоёвий муҳофазалар маҳсули. Албатта, Ўзбекистон жумҳуриятига сиёсий ва замонавий илмлардан нисбатан узокроқ бўлган Й.Охунбобоевнинг раҳбар этиб тайинланганлиги қизиқ ҳол. Бу воқеа турли тоифадаги кишилар томонидан турфа йўсинда қабул қилинган бўлса керакки, “Янги Кавказ”да шундай мақола пайдо бўлган. Чўлпон эса Охунбобоевни шахсан яхши таниганидан, оксоқолнинг шахсий фазилатларидан хабардор бўлгани туфайли ушбу мазмундаги шеърни ёзган кўринади. “Аризанома” ўз вақтида машҳур бўлган шекилли, Абдулла Қодирий ўша йили эълон қилган “Йигинди гаплар” фелъетонида ундан жузъий ўзгартиришлар билан тўрт мисра келтиради.

Шеър Чўлпонга хос услубда, силлиқ ва раво ёзилган. Бироқ, бу манзума муҳитга бўйин эгишга мажбур бўлган ижод намунаси эди. Шунинг учун “қизил сўзлар” кўп. Аммо ушбу шеър ҳам шоирга қарши кўтарилаётган қатагон бўронини тўхтатиб қола олмади. Вақти соати келиб Чўлпоннинг ўзи ҳимояга муҳтож бўлиб қолганда Й.Охунбобоев унга ёпирилган бало тигига қалқон бўла олмади. Бўла олмасди ҳам...

Қуйида эса Чўлпоннинг замондошларимизга номаълум бўлиб қелаётган шеърини ҳавола этмоқдамиз.

АРИЗАНОМА

Бераман ушбу аризани Сиз ҳурматлик оксоқолимизга шул хусусдаким:

“Янги Кафказ” газетида бир беюз,
Бир мунча гап ёзиб юрган кўб бетуз
Яъни Сиздек бир қамбагал меҳнатқаш
“Раис жумҳур” бўлганига бўлиб гаш.
Қибру гурур, тамаъ билан ачибдур,
Жумҳурюртга анча бўҳгон отибдур.
У бир ховуч олтунпараст тўралар,
Оқлар билан бўлган улфл-жўралар.
Дейдиларким: “Ўзбекистон - беқар гап,
Уни хар дам “уполиста” ер чайнаб.
“Шилхос” деган ҳамма ишни буюрар,

Хар хусусга буюрдим деб, кўл кўяр.
Бошлиқларда ҳеч бир ишка инон йўк,
Шилхос амрин кайтормокга имкон йўк.
Охунбобо ўгли деган бир оми,
Йўқдур унда ватан, миллатнинг гами”.
Яна ўшал сафсатачи окларга,
Элдан ажраб якка колгон тоқларга.
Жавоб бериб дер эдикким: “Жаноблар,
Салтанатка эришалмай хуноблар,
Иzzат-хурмат олудаси, тақсирлар,
Сўзларингиз бойлар учун “ҳак сўз”лар,
Лекин келиб Фаргонадин гап сўранг,
Мунда келиб мўйлабларни бир буранг.
Ўшал тагсиз даъволарни бизларга —
Катта-кичик, ёшу жувон, кизларга,
Айтиб кўринг, кандог жавоб бералар,
Юзингизга ҳақоратни уралар.
Ва дерларким: “Хар бир ишда муқаллид,
Граф тақлид, борўн тақлид, хон тақлид,
Зиёлимас, у зиёнли хезлардан,
Упа-атир олудаси - “киз”лардан.
Бизга албат камбагалдан етишкан,
Иш устида меҳнат тортиб хўб пишкан,
Охунбобо ўгли каби эр керак,
Ва бойлардан олингуси ер керак,
Кишлоқларнинг хар бирига бир мактаб,
Очилгонда ҳосил бўлур хар матлаб.
Ўзбекистан ҳозир кирди шу йўлга,
Маърифатни торкотодир ўнг-сўлга.
Ободонлик хусусида гайрат кўб,
Ер кўпайтиб сугоришга ҳиммат кўб.
От-омочлар ўт омочни ўпмақда,
Энди навбат сизга келди, демақда.
Солиқлар ҳам бу йил анча ўнгалди,
Яъни кишлоқ деҳқонига кам бўлди.
Ерли халқ ҳам маҳкмага тўлмоқда,
Шўро ишин кўлларига олмоқда.
Хотин-кизга озод йўллар очилди,
Миллий аскар уруғлари сочилди.
Ёкин кунда новда бўлиб кўқарса,
Интизомлик аскар сафига кирса,
Саф-саф тургон миллий кизил кўшуннинг,
Ўзбақларга маҳсус дорулфунуннинг,
Ерлик бўлгон канча ерсиз, беванинг,
Янги-янги етишқуси меванинг,
Танларидан улуг наъра тортилуру,

Хар томонга билим нури отилур”.
Шунда сиз ҳам кўзингизни очарсиз,
Нурдан чўчиб, норирокка кочарсиз,
Ва дерсизким; “Биз адашкан эканмиз,
Элдан ажраб, ёнглиш йўлдан кетканмиз!”
Лекин унда фурсат ўтар, кун ўтар,
Пушаймонлар унда кимга қор этар?
Ёкин кунда шу фурсатни кутамиз,
Шу сўз билан гапни тамом этамиз.

Аслидан кўчирувчи:
Каландар 8 ўктябр, 1925 йил, Андижон.